

## ЗАРАТХУШТРА (ЗАРДУШТ)НИНГ ШАХСИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-3-4>

**Исҳоқов Мирсодиқ Мирсултонович,  
Тошкент давлат шарқшунослик институти профессори,  
тарих фанлари доктори**

### **АННОТАЦИЯ**

Мазкур мақолада авестошуносликнинг долзарб масалалари, Зардушт шахсига оид тарихий маълумотлар, яъни унинг тарихий шахс эканлиги, бироқ, тарихий манбаларда у яшаб ўтган давр ҳақида аниқ хронологик маълумотлар йўқлиги ҳамда зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто”да келтирилган илоҳалар номи ва уларга шарҳлар берилган.

**Калит сўзлар:** Зардушт (Заратхуштра), Готлар, Кичик Авесто, Яштлар, Видевдат, Пуручиста, Хаэтачат-аспа, никоҳ марозсим, тарихийлик, афсонавийлик, Аша, Арта, Истина, Ҳақ, Ясна.

## НЕКОТОРЫЕ РАЗМЫШЛЕНИЯ О ЛИЧНОСТИ ЗАРАТХУШТРА(ЗАРДУШТ)

**Исҳоқов Мирсадиқ Мирсултонович,  
доктор исторических наук, профессор**

### **АННОТАЦИЯ**

Настоящая статья посвящена одной из проблем мировой авестологии, связанной с личностью Заратустры, основателя философского религиозного учения Мазда Ясна (поклонения Мазде, то есть – Высшему Разуму).

В целом, в статье, на примерах из Авесты доказывается вполне оправданность мнений большинства авестологов мира, считающих личность Заратустры историчной. Что касается отсутствия хронологических указаний на время жизни Зратуштры и пространственного ориентира содержания «Гат» Авесты, то автор настоящей статьи это связывает с направленностью идеи зороастризма не на узкую общину, а на вечность и на всё человечество в целом.

**Ключевые слова:** Зардушт (Заратхуштра), Гаты, младоавеста, Яшты, Видевдат, муьбады, Пуручиста, Хаэтачат-аспа, брачная церемония, историчность, легендарность, Аша, Арта, Истина, Ҳақ, драуга(Ложь), Ясна.

## SOME THOUGHT ABOUT THE PERSONALITY OF ZARATHUSHTRA (ZARDUSHT)

Iskhakov M.,  
doctor of Historical Sciences, Professor

### ANNOTATION

This article is devoted to one of the problems of world avestology related to the personality of Zarathushtra, the founder of the philosophical and religious doctrine of Mazda Jasnā (worship of Mazda, that is, the Highest Reason).


**Key words:** Zardusht (Zarathushtra), Ghats, young adults, Yasht, Vidvat, Mubad, Puruchista, Khaetachat-aspa, marriage ceremony, historicity, legend, Asha, Arta, Truth, Ҳақ, Drauga (Lie), Yasna.

Зардушт (Заратхуштра) ҳақида гап кетганда, омма орасида “Зардуштийлик динининг пайғамбари” деган изоҳдан нари маълумот деярли учрамайди. Ҳолбуки, айти Зардушт ва унинг шахси атрофида авестошуносликнинг муаммолари ҳал бўлишидан ҳали ҳануз дарак йўқ. Бу масалага авестошунос олимларнинг қарашлари бир неча масалаларда ўзаро мос келмайди. Булар:

- Зардуштни тарихий шахс деб ҳисоблаш;
  - Зардушт таълимотининг шаклланган вақти ва макони масаласи;
  - ушбу таълимотнинг моҳияти ва тарихий контекстиҳақидаги қарашлар;
- Зардушт ва зардуштийлик таълимотининг фалсафий асослари ҳақидаги фикрлар;
- “Гоҳ”ларда акс этган доктринал қарашлар билан “Кенжа Авесто”, айтиқса Яштлардаги ғоявий асосларизиддиятли экани;
  - “Видевдот” фрагарди шаклланишида сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-ахлоқий масалаларва уларнинг илк зардуштийлик замониға муносабати;
  - Авестода мифологик дунёқарашдан диний тизимға ўтиш оралиғидаги механизм;
  - зардуштийлик фалсафий-ахлоқий таълимотми ёки муқаддас динми;
  - “Гоҳ”ларнинг муаллифи Зардуштми ёки унинг издошларими? – ва ва бошқалар[1].

Санаб ўтилган масалалардан ташқари авестошуносликнинг яна бир қатор масалаларида ҳал қилинмаган муаммолари ҳам бор. Масалан, “Гоҳ”ларда акс этган олий илоҳий тушунча ва унинг ифодалари, Зардушт шахсининг Кенжа Авестода илоҳийлаштирилиши ва ҳатто асотирий талқин қилиниши[2] (Аши алқови)нинг сабаблари; ниҳоят, Зардушт таълимотининг ҳинд-европа ва ҳинд-орий “муштараклик” даврлари меросидан қанчалик баҳрамандлиги ва бошқалар.

Зардушт ва зардуштийлик масалалари қадимги юнон олимлари талқинларида асосан “Авесто” китобининг “Гоҳ”лар қисми ва Ясна насҳидан, айтиқса, етти боб Ясна (Ясна, 35-42кўшиқлар)дан кейин шаклланган Кенжа Авесто матнларига таянган. Бир қатор ҳозирги замон ғарб олимлари қадимги юнон олимларининг



фикрларини “Яшт” насҳи матнларида Зардушт ҳақидаги лавҳалар билан қиёс қилиб, бу шахснинг тарихан яшаб ўтгани масаласига ривоятлар, ҳатто фольклор унсурлари аралашган, деган хулосага келганлар [3].

Зардуштнинг тарихий шахс эканига шубҳа билдирмайдиган олимлар кўпчиликни ташкил этиб келган. “Гох”ларнинг муаллифлигини шубҳасиз Зардушт билан боғлаш, ёндашувлар турличалигидан қатъий назар, улар учун фикрларининг исботи ҳисобланади [4]. “Гох”ларда Заратуштранинг номи грамматик учинчи шахс, яъни “У” шаклида келган бандлар борлиги ҳам бир қатор баҳсларга сабаб бўлиб келмоқда. Яъни, агар Зардушт “Гох”ларни ижод қилган бўлса, қатор лавҳаларда ўзини учинчи шахс қилиб, яъни у ҳақда ўзга киши гапираётгандек кўрсатмас эди, демоқчи бўлишади. Бироқ, “Гох”ларнинг илк бандларига (28-29 Ясна кўшиқлари) диққат қилинса, Зардушт ҳақида кимдир сиртдан туриб гапираётгандек тасаввур ҳосил бўлади [5]. Хусусан, Ясна насҳининг 29-кўшиғидаги 8-бандга қулоқ солинса, унда сўзловчи ўзининг “мен”и орқали “Менга бунда илоҳий даъватга итоатдаги биргина Спитамаи Зардуштгина маълум, о Мазда! У (яъни Зардушт)гина ўзининг гўзал сўзлари билан БИЗни шарафлайди” деб турганини тушуниш мумкин. Қизиғи шундаки, Бу лавҳада олий илоҳий зотга, яъни Мазданинг ўзига ҳам мурожаат маъноси бор. “Бизни шарафлайди” ибораси эса гўё Маздага тегишли эмасдек. Чиндан ҳам бу бандда икки маъно қатлам бор десак, мазмунга тўғри кирган бўламиз: биринчи қатламда “Эзгу фикр”, иккинчи қатламда – Мазда. Масаланинг бу тарзда қўйилиши айни шу бандда Зардуштнинг сўзи йўқ, дейишга асос беради [6].

“Гох”ларнинг, хусусан, “Ахунавайти гоҳ”нинг 30-нчидан 34-инчи бандига, “Уштавайти гоҳ”нинг охирги 46-кўшиғи, хусусан, 46-Яснанинг 19-бандига Зардуштнинг бадихалари деб қарашда кўпчилик авесташунослар бир фикрдалар. Ясна 47-нчидан бошлаб 51-гача ва ниҳоят, 53-кўшиқ кейинчалик дин пешволари томонидан “Гох”лар услубини ва тилини сақлашга ҳаракат қилган ҳолда, пайғамбарлари Зардушт ҳурмати учун кўшиб тўлдиришган, деб тахмин қилинади [5]. Шу жумладан, Гоҳларга Кириш банди сифатида қабул қилинган Ясна 27-ҳамда 53-Ясна кетидан киритилган “Гох”ларни яқунловчи бандлар, уларнинг айримларидан ташқари, шубҳасиз Зардушт ижоди маҳсули эмас, дейишга асос бор. Қуйида бу фикрни тасдиқловчи лавҳаларнинг ўзбекчага ўгирмалари ва таҳлилини келтирамиз:

Авестошуносликда Мазда Ясна динининг асосчиси Зардуштнинг “Гох”лар деб аталувчи 17 кўшиқдан иборат пайғамбарона бадихалари “Ясна” наски таркибига критилган ҳолда сақланиб қолгани маълум. Мутахассислар бу шеърини бешликлар ва учликларнинг “Ясна” таркибига киритилганини бахтли тасодифдек тушунишади. Чиндан ҳам “Гох”лар зардуштийларнинг энг эъзозли ибодат матнлари орасига, гўё йўқолиб кетишдан асраш мақсадида магупатлар (дин пешволари) томонидан жойлаштирилгандек [7]. Эътибор берилса, “Гох”лар 28-34, 43-51, ниҳоят, 53-боблар сифатида 72 бобдан иборат “Ясна”нинг ўрта қисмидан жой олгани ҳам бежиз эмасдек. Аслида эса, Зардушт “Гох”лари “Ясна”нинг зардуштийлик дини асосларини баён этувчи қисмлари билан махсус

уйғунлаштириб жойлаштирилган. Бунинг исботи шуки, “Ясна”нинг 27-нчи боб, 13-15-бандлари Зардуштнинг ўзи томонидан ижод қилинган ва “Тоҳ”ларни қироат қилиш олдидан ўқиладиган муқаддас Кириш дуолари бўлган. Улардан 13-14-бандлари Авестонинг айни “Тоҳ”лари тили каби архаик грамматик хусусиятларни акс эттирган. “Тоҳ”ларга Кириш бўлмиш ушбу бандларнинг ўзбекчага маъно ўгирмаси қуйидагича:

27.13. Ҳақ – Ҳақиқат сарвари, Энг эзгу Эгам,  
Нотавонларни йўлла эзгулик ишларгаки,  
Сен, ўзингсан, о Ахура, Олий Ҳакам[8].

Бу бандда Ахура Маздага Ҳақиқат, Ҳақ, Улуғлик ва Олий ақл эгаси каби энг олий сифатлар орқали мурожаат этилмоқда. Ибодат олдидан диндор уни эзгуликлар сари йўллашни сўрамоқда. Недирки, Ахура Мазда Олий инстант ва ҳар нарсага қодир эканига ишониш зардуштийлар учун имоннинг асоси ҳисобланган. “Тоҳ”ларни тиловат қилишга ният қилган зардуштий ушбу дуо орқали олий зотга ўзи ҳақидагина эмас, диндан огоҳ бўлмаган “нотавон, бечоралар”ни ҳам ҳидоят йўлига чорлаш ҳақида ёлвормоқда.

Банднинг мазмуни доирасида авесточа бир қатор махсус маъноли атамалар ишлатилган. Масалан, Ҳақ, Ҳақиқат сўзлари орқали келувчи тушунча зардуштийларнинг энг муқаддас тушунчалари ҳисобланган. Ҳақиқат сўзи авесточа Аша, тарихий архаик шакли\* Арта бўлиб, асл ўзак шакли RТА, луғавий маъноси “Ҳақиқат”. Мажозий маънода эса, бу сўз ибтидода Ахура Мазда томонидан яратилган оламнинг азалий эзгу тартиби демакдир. Авестода эзгу кучларнинг ради (ҳақиқати) шаклида келади: ашавон фалоннинг ради“ ҳақпараст фалоннинг ҳақиқати” каби. Зеро, Ахура Мазда эзгу Ҳақиқат мужассами ва у борлиқни ўзининг эзгу моҳиятига мувофиқ азалий ва абадий эзгу этиб яратган, деган тушунча зардуштийликнинг эътиқод асосларидан бири бўлган. Бу ақиданинг ҳақиқат эканини рад сўзи ўзида ифода этади. Ахура Мазданинг “Ҳақ”лиги ва у яратган эзгу дунёнинг Ҳақиқатлигига қарши ёвузлик “Ёлғон” сўзида мужассам, деб ҳисобланган. Ёвузлик зардуштийлар учун иккиламчи тушунчадир. Одамзод яхшини ёмондан ажратиши, яхшилик йўлини танлаши учун Ахура Мазда ўзининг эзгу моҳиятига қарама-қарши Ахриманни ибрат учун ўзидан ажратган, дейилади. Бу ҳодиса мутлақ эзгу оламнинг ёвузликлар билаан қоришувиға сабаб бўлган эмишки, ушбу икки йўл олда инсон фақат ва фақат эзгулик томонини танлашға масъулдир. Ахура Мазда бор дунёни Эзгу этиб яратган бўлса, Ахриман ҳар бир эзгуликка қарши ёвузликларнинг чексиз, сон-саноксиз шаклларида ўзини намоён этишда(!) давом этади. Чунки Ахриман ёвузликнинг универсал моҳиятидир. У – эзгуликка нисбатан ёмонликларнинг йиғма тимсоли. Унинг номи Анғ-“чиркинлик, ифлослик, нажосат”, -Хра- “қоронғилик, нурсизлик, зулмат”, -Майнйу“фикр, ўй, ният” деган сўзларнинг ўзаклари бирикмасидир. Ахриманга нисбат бериладиган “Ёвуз рух” (Анхра Майнйу) ибораси Ахура Мазданинг “Муқаддас рух” деб таржима қилинадиган сифати Сипанд мийну (Спента Майнйу)га қарши қўйилади. Авеста Анхра Майнйунинг яхлит универсал моҳиятини Ахура Мазданинг Ҳақиқатига зид қўяди. Авестача “Ёлғон”(драуга, Дуруж номли дев, ниҳоят

ҳозирги талаффузда дуруғ)Ахриманнинг ёвузликлари мужассаами бўлиб, унинг универсал моҳиятини ифода этади[9].

Таҳлил этилаётган бандда “нотавонлар” деб таржима қилганимиз авестача сўз дригу “оддий авом” деб изоҳланиши мумкин. Бироқ, бу сўзни “харобҳол, шунчаки ризкини излаб, нафс учун сарсон одамлар”, деб тушуниш ҳам мумкин. Чунки бунда “гадо,тиланчи, камбағал” каби асл луғавий маъно ҳам бор. Демак, Авестада дригу сўздан руҳиятини имон билан бойитмаганлар каби кўчма маънода фойдаланилган бўлиб, гўё бу каби буюк неъматдан бебахра қолганларга ачиниш ифодаланган дейишга тўла асос бор. “Тоҳ”ларнинг русча таржима ва изоҳларида И.М. Стеблин-Каменский ушбу кўчма маънога эътибор қаратмаган. Аксинча, олим дригу сўзида Зардуштнинг назарида унинг “шафоатига, ҳидоятига муҳтож одамлар” маъноси бўлса керак, деб тахмин билдиради халос [10].

27.14. Ҳақиқат – Олий неъмат,  
Ҳақ истаги, Ҳақ иродаси  
Ҳақиқатдир Ҳақ ифодаси.


Бу мисралар зардуштийлик, асл номиМазда Ясна динининг энг улуғ дуоси ҳисобланиб, унинг номи биринчи мисра бошидаги икки сўз билан “Ашэм ваху” деб аталади. Бу гўё ислом динидаги “Фотиҳа” сурасининг халқона “Ал-ҳамду” деб аталгани каби. Дуонинг биринчи сатри Ашэм ваху ваҳиштам асти “Эзгулик эзгудир, энг эзгуликдан-да эзгу” демакдир. Бу айтимдан Ашэм сўзи юқорида кўрсатганимиз Аша (Арта) Ахура Мазданинг “Ҳақиқат”, “Ҳақ” каби Олий сифатлари ҳамда оламнинг асл илоҳий эзгу тартиби маъносига эга грамматик шаклдир. Бу шунчаки тартибигина ҳам эмас, балки бутун борлиқнинг адолатли, оқилона мувозанати ҳамАшадир [11].

Зардуштийлик имоннинг барқарорлигини олам-жаҳоннинг эзгу асослари бутунлиги учун кафолат даражасига кўтарган. Имон эса, инсон билангина мавжуд. Шу сабабли зардуштийлик эзгулик ва ёвузлик ўртасида танлаш ва эзгулик томонида бўлиш, ҳар қандай ёвузликни рад этишни инсон зиммасига мажбурлаб эмас, ихтиёрийлик асосда юклаган. Оламнинг бутунлиги, унда эзгуликнинг барқарорлигини, бир сўз билан айтганда, Ахура Мазда яратган эзгу борлиқда безаволликни сақлаш учун Инсонни масъул этган.

Эзгуликнинг ибтидоси Ахура Мазда экан, бандалари учун унинг эзгулигини ибрат қилиш фарз ҳисобланган. Бунда асли инсоннинг қалби доимо яхшиликка интилишидек Ҳақиқат ифодаси мавжуд экани аён. Айни шу туфайли зардуштий мағупатлари “Тоҳ”лар олдидан ўқиладиган икки банддан иборат дуога қуйидаги сўзларни қўшиб айтишни жоиз деб билгандирлар. Буни мутахассислар “Ясна” 27.15-бандининг тили аввалги икки банднинг тилига нисбатан Авестанинг кенжа босқич тилига яқинлигида кўрадилар. Масалан, И.М. Стеблин-Каменский ушбу 15-бандни Зардуштдан кейин муъбадлар томонидан қўшилган, деб тахмин қилганида ҳақ эди, деб ўйлаймиз:

27.15. Олқишимиз Маздага деб, баланд овозда  
Кимки, намозида Ахура Эзгу деса,  
Сидқи дилин У билгай, бўлур эъзода [12].






Маздага сифиниш билан боғлиқ маросимларда намозлик такбир, ҳамду саноларни хоҳ ёлғиз, хоҳ жамоавий баралла овоз билан ижро этиш зардуштийликда ибодат қоидаси ҳисобланган. Мазкур уч сатрли дуонинг сўнгги мисрасидаги “баланд овозда” ибораси айни шу анъанага ишоратдир. Шу қоиданинг таъсирини Авестанинг кенжа босқич матнларидан “Яшт”ларда ҳар бир нақорот охирида учратамиз. “Яшт”ларнинг ихчам (кўпинча 7 бўғинли) шеърий тузилишида ушбу нақоротни авесташуносликда рефрен деб аташади[13]. Бандлар охирида такрорийлиги сабабли аксари таржималарда уларни “рефрен” деб эслатиб ўтишади, матнини эса такрорлашмайди. Одатда нақоротлар “Яшт”ларда алқаб шарафланган маъбуд ёки маъбуданинг бирор эзгу ҳислати улуғлангач, шу ҳислатнинг борлиги ибодатчи учун бахт, қувонч деб таъкидланади ва шунинг шукронаси сифатида такрорланади. Алқов қайси маъбуд ёки маъбуда номига келса, ушбу нақоротнинг бағишловида унинг номи қайд этилган бўлади:

Ардви Сура шундайин  
Омадни берди унга.  
Бу бахт учун намозим,  
Баралладир овозим.  
Ҳамма вақт ҳақ йўлида  
Йўллайман Ардви, сенга  
Савоб иш қилгувчига  
Энг муносиб эҳсонлар.  
Ажрин бермоқ – қўлида.  
Савобин етказ менга [14].

Худди шу каби “Қуёш алқови”нинг якуний дуосида бундай маъно ўқилиши мумкин:

Бахту омад берсин деб,  
Эҳсон этарман Хаома  
Ибодатим Хуршедга.  
Шарбатин сочиб ўтга.  
Қуёшга топинурман  
Баралладир овозим,  
Бағишларман намозим  
Ахура Мазда Вали  
Дея тан олган зотга.  
Оти учқур қанотга [15].

Шу каби нақоратларни “Яшт” ларнинг барчасида учратишимиз мумкин. Демак, “Тоҳ”ларнинг олдидан ва кетидан ўқиладиган дуолар асли Зардушт давридан қолган анънадир. “Тоҳ”лар эса, “Ясна” таркибида тасодифан эмас, балки бу наскнинг ибодат расмиятига хизмат қилиш хусусиятидан келиб чиқиб жойлаштирилган. Бу фикрнинг тасдиқини “Ясна”нинг 54-қоитисидаги якунлов дуоси мазмунида ҳам кўришимиз мумкин[16]. Дуо сўзлари И.М. Стеблин-Каменскийнинг фикрича орийларнинг қабила худоларидан бири Арйаманга мурожаатдан бошланган. Бу қабилавий маъбуднинг эсланиши бежиз эмас. Зеро,




Авестада унга бағишланган алоҳида мактов дуо борлиги бир неча ўринларда эслатилган. Авесташунос олим Ҳошим Ризонинг икки жилдлик тадқиқотига илова қилинган “Исмлар фихристи”да бу дуонинг тўлиқ номи “Арйаман ишйах”, ва бу номнинг учраган саҳифалари рўйхати келтирилган. Булар мазкур нашрнинг 215, 522, 525, 710, 729, 733-саҳифаларидир[13]. Масалан, оининг ўттиз кунидан ҳар бирининг шаънига ўқиладиган “Сихрўзаки кўчек” номли дуолар туркумининг 2-нчисида бундай дейилган: “Ордубиҳишт”, зеботарин амэшосипанд, намози “Арйаман ишйах”и тавонои Мазда офарида ... неки фарохдидгоҳи Мазда офарида ашавон”. Яъни бу дуода Арйаман Мазда яратган ва ўзига шерик қилган маъбудлар(язадлар) қаторида тан олинган ва унинг сифати маъносида яна қайта “Мазда яратган” иборасини такрорлаб, сўнгра ашавон сифати қўшилган. Ашавонлик мартабаси зардуштийликда Аҳура Маздани Олий илоҳий зот дея, буни Ҳақ ва Ҳақиқат дея ўзи учун қатъий қилган ҳар бир инсонга хос маънавий комиллик ва имонлиликиннингунвониҳисобланган. Бу ўринда эса, ашавонлик маъбуд мақомидаги теологик субъектга нисбатан юксак маънода қўлланган:

Севикли Арйаман, тезроқ келақол,  
Зардушт қавмларига келтиргил нажот.  
Эзгу ўй, имоним ҳаққи, Ҳақ бандасига  
Ахурадан келтиргин ажру мукофот,  
Муносиб шарафлаб, бергил охират [17]:

Ясна 54-ҳоитийсининг 2-банди ибодатнинг қабул бўлишини сўраб, “Ахура Мазда кимга намоз йўллашни фарз қилган бўлса” ўшаларга намозим ниёз бўлсин, деган маънода намозхоннинг илтижосидир: “Суюкли Арйаманга, Буюк ва кудратли, енгилмас Ҳақнинг ҳақлигига, муқаддас ва Ҳукмдорларнинг ҳукмдори имонли “Тоҳ”ларга, борлиқнинг энг биринчи фарзи (бўлмиш) имон алқовларига олқишларим бўлсин”. Бу дуода “Тоҳ”лар имонли шахс билан тенглаштириб персонификация қилинган, яъни улар шахс деб ҳисобланган. Шу каби дуо ва илтижолардан кейин матнда яна бир барқарор дуо формуласи – “Лойиқ, дея Ахура Мазда тан олган зотга ибодатим бахшида” [18] жумласи билан “Тоҳ”ларни куйлаш охирига етади.

Хулоса ўрнида: “Тоҳ”лар зардуштийлик, Мазда Ясна дини моҳиятини чуқур талқин қилишга қаратилган “Ясна” наскининг қисмларини Зардушт томонидан яратилган назарий асослар билан янада бойитишни кўзда тутиб махсус жойлаштирилган. Зардушт номидан пайғамбарона даъват сўзларида унинг овози баралла янграб тургандек. “Тоҳ”ларнинг кириш ва яқунлаш дуолари ибодат ва бошқа маросимларга янада жиддий тус бериш мақсадида магупатлар томонидан киритилган. Намозхон ашавонлар руҳлари илоҳий зот билан “Тоҳ”ларни қироат қилиш олдидан ушбу дуо сўзлари орқали боғланишига ишонилган.

Келтирилган лавҳалар “Тоҳ”ларнинг таркибида маъбудлар томонидан киритилган бандлар борлигига шубҳа қолдирмайди. Бироқ, “Тоҳ”ларнинг бир қатор қўшиқларида уларнинг ижодкори Зардуштнинг нафаси сезилиб тургандек. Масалан, юртини тарк этишга мажбур бўлган Зардуштнинг қиш изғиринидадарё кечуви олдидаги хонадондан кўноқ учун бошпана сўрагани ва рад жавобини олиб



оғир ахволда қолгани каби ҳаётий лавҳа чин маънода тарихий асосга эгадир. Зеро, Зардушт ватанидан абадий кетган ва, ниҳоят, подшо Виштасп ҳузурида ўз таълимотининг ҳақ эканини исботлаган эди. Бу ҳодиса Мазда Ясна динининг Турондан Эронга кириб боришидава кейинчалик давлат дини мақомигача кўтарилишида дастлабки кадам бўлган эди.

Зардуштнинг тарихийшахс сифатида талқин қилиш учун асос сифатида Ясна наскининг 46-қўшиғини кўрсатиш авестошуносликда кенг тарқалган. Бу лавҳа чиндан ҳам Зардушт ҳаётидаги тарихий бурилишгина эмас, балки у яратган таълимот тақдирида ҳам муҳим роль ўйнаган. 19 банддан иборат бу ғамгин қўшиқнинг таркибини иккига бўлиб қаралади: биринчи қисмда Зардушт ўз қавмлари орасда таълимоти рад этилиб қувғинга учрагани, борар манзилини билмайсарсонлигидан нолийди: Бошим олиб қайга кетай, қайларга борай энди,

Қон-қардошлар, вису занту қувсалар мени

Дуруғбанд ҳукмдорлар, зантупату даҳйупат.

Не қилсамки, Ахура, дуо бўлсин ижобат? [19]

Кейинги бандда Зардушт ўзининг ижтимоий ҳолатини баён этади:

Мен ночорман, менда йўқдир кучу қудрат,

На молу мулк, на бир чорва, хизматимда

Ҳеч кимим йўқ, ёлвораман, менга ҳам боққил,

Дўст дўстини ёмон кунда қўллаган каби

Қўллагилким, Сенсан ўшал Эзгу ўй, фикрат [20].

Зардуштнинг тарихий шахс сифатида тан олинишига яна бир “Тоҳ” бандини, аниқроғи, пайғамбарнинг Пуручиста исмли қизи узатилиши муносабати билан Ясна 53-бандидаги никоҳ маросимини асос қилиб кўрсатилади. Энг муҳими шуки, авесташуносликда бу лавҳада Зардушт никоҳи бўлаётган қизига насихат қилган, деб тушуниб келинади. Аслида бундай эмас. Лавҳа мазмунидан кўринадикки, никоҳ маросими дин пешвоси магупат томонидан ўтказилмоқда. Маросим бошида магупат Зардуштга мурожаат қилиб, унга дуо сўзлари бағишлаган: “Ахура Заратуштрага у ўзи орзу қилганидек бахту омадлар келтирсин! Ҳақ йўлида унга абадий саодатлар берсин. Унга кимки эш бўлган бўлса ва беҳдин (Мазда ясна) йўлида бўлса, барчасига беҳишт роҳатлари насиб этсин”.

53-қўшиқнинг учинчи бандидаги дуолар ва узатилаётган қизга насихат сўзлари асло Зардуштга тегишли эмас: “Эй Ҳайечатаспан авлоди, Зардуштнинг кенжаси Пуручиста ва у (сенинг қаллиғинг), ўз хоҳишу иродангиз билан Мазда Ҳақлиги йўлида бош қовуштирмоқдасизлар. Бунда сизлар ўз ақлингиз ва Спента Армаити розилиги билан эзгуликка ният қилмоқдасизлар”. Кейинги банддаги насихат сўзлари Пуручистага қаратилган: “Борган хонадонингда эрингни, унинг отасини ва оиласидаги барчани меҳринг билан ром этгин...” [21]. Бу лавҳалардан кўришиб турибдики, қизининг никоҳ маросимида Зардушт ота сифатида иштирок этган ва унинг шаънига магупат дуолар бағишлаган. Сўнг магупат асосий вазифасини ўташга киришиб, никоҳи бўлаётган ёшларга турмуш шартлари юзасидан анъанавий насихат, йўл-йўриқлар беришга ўтган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, биринчидан, Зардушт асотирий образ эмас,




тарихий шахс сифатида ўз кундалик инсоний ҳаёт масъулиялари олдида кўп қатори ижтимоий ҳолатларда ҳам бўлган. Иккинчидан, “Тоҳ”ларнинг барчасини бошдан оёқ Зардушт ижоди деб баҳолаб қўя қолишўзини оқламайди. Масалан 29-ясна кўшигида Аҳура Маздага Ваху Мана, муқаддас буқа руҳи мурожаат этади. Унинг парвариши ва ҳимояти учун Аҳура Мазда Зардуштни юборганини айтади. Демак бу матнни ҳам Зардушт ижоди билан боғлаш қийин. Бир қатор ўринларда Зардушт грамматик учинчи шахс сифатида кўринади. “Тоҳ”ларнинг шундай бандлари ҳам мағупатлар ижодидан деб қаралиши мумкин.

Авестонинг бошқа насхларида, айниқса “Яшт”ларда Зардуштнинг шахсига асотирий руҳ берилиши дин аҳлида бу образнинг мавқеини мустаҳкамлашга қаратилган, деб ҳисоблаш ҳар жихатдан тўғридир.

### **Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:**

1. Лелеков Л.А. Авеста в современной науке. –М.: 1992. – С.162.
2. Авеста. Яшт китоби. Мирсодиқ Исҳоқов таржимаси. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б.40-41.
3. Mole M. Le problème zoroastrien et la tradition mazdéenne. Paris, 1963 (по Лелекову Л.А.).
4. Виденгрэн Г., Альтхайм Ф., Хофмайстер Р., Юсти Ф., Анклесариа Б. ва бошқалар. (Мазкур фикр тарафдорлари рўйхати учун қаранг: Лелеков Л.А. Авеста в современной науке. –М.: 1992. –С. 163).
5. Гаты Заратуштры. Перевод с авестийского, вступительные статьи, комментарии и приложения И.М. Стеблин-Каменского. СПб. Петербургское востоковедение, 2009. – С.38 - 49.
6. Зардушт «Тоҳлари. М.Исҳоқовнинг изоҳли таржимаси. Г.Т.Маҳмудова, М.М.Исҳоқов, Б.Б.Жалолов. Зардуштийлик хрестоматияси. – Тошкент: “Мумтоз сўз”, 2017. Иккинчи боб: “Тоҳлар”. –Б.153-178.
7. Гаты Заратуштры...–С. 34.
8. Исҳоқов М. Авестанинг Ясна наскида Зардушт “Тоҳ”ларининг кириш ва якуний бандлари ҳақида// Шарқшунослик. № 3 2017. – Б. 32
9. Лелеков Л.А. Авеста в современной науке... – С.233-237.
10. Боголюбов М.Н. Труды по иранскому языкознанию. Избранные труды. –М: Восточная литература. –2012. Раздел «Авестийские тексты». – С. 419- 499.
11. Исҳоқов М. Авестанинг Ясна наскида Зардушт “Тоҳ”ларининг кириш ва якуний бандлари ҳақида// Шарқшунослик. № 3. 2017– Б. 35.
12. Там же.
13. Брагинский И.С. Из истории таджикско-персидской литературы. М.: Главная редакция восточной литературы, 1972. –С.57-79.
14. Авеста. Яшт китоби. Мирсодиқ Исҳоқов таржимаси. – Тошкент: Шарқ, 2001. –Б. 16-34: «Бу бахт учун намозим, баралладир овозим» каби матнлар билан такрорланувчи бандлар.
15. Ўша асар. –Б.37-39.



16. Заратуштра “Гох”ларининг маъно ўгирмалари. М.Исҳоқовнинг изоҳли таржималари: Зардуштийлик хрестоматияси. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2017. – Б. 153-178.

17. Ўша асарнинг электрон нусҳаси. Муаллиф архивида.

18. Гаты Зартуштры. Перевод с авестийского, вступительные статьи, комментарии и приложения И.М. Стеблин-Каменского. СПб. Петербургское востоковедение, 2009. – С. 161.

19. Гаты Заратуштры. Перевод с авестийского, вступительные статьи, комментарии и приложения И.М. Стеблин-Каменского. СПб. Петербургское востоковедение, 2009. – С. 116.

20. Ўша асар. – Б.117.

21. Ўша асар. – Б.157-158.